



CHARACTERISTICS OF LEMON VARIETIES GROWN IN UZBEKISTAN

M.Sh. Muminova¹

R.F. Akbarov²

Fergana State University

KEYWORDS

Citrus, lemon, variety, fruit, fruit weight, yield, seedling, pen, humidity, temperature, soil, planting scheme

ABSTRACT

This article describes the varieties of lemons grown in our country, their productivity and specific aspects of cultivation.

2181-2675/© 2024 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: **10.5281/zenodo.13925983**

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Researcher, Fergana State university, Uzbekistan

² Researcher, Fergana State university, Uzbekistan

ЮРТИМИЗДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ЛИМОН НАВЛАРИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

KALIT SO'ZLAR/ КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

Цитрус, лимон, нав, мева, мева вазни, ҳосил, қўчат, қаламча, намлик, ҳарорат, тупроқ, экиш схемаси.

ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада юртимизда етиштирилаётган лимон навлари, уларнинг ҳосилдорлиги ва етиштиришнинг ўзига ҳос томонлари ёритилган.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонининг тобора ортиб бориши натижасида, озиқ-овқат маҳсулотларига, хусусан мева маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, цитрус мевалар ва уларнинг қайта ишланган маҳсулотларига бўлган талаб бошқа барча мевали экинлар орасида машҳурлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради, десак муболаға бўлмайди. Цитрус мевалар ўзининг беқиёс таъми, витаминга бойлиги, хушбўй ҳиди, қайта ишлаш, сақлаш ва ташишга яроқлиги, етиштириш ва кўпайтиришнинг у қадар мураккаб эмаслиги ва шу каби қатор афзалликлари билан дунёнинг кўпгина мамлакатларида юқори баҳоланади. Бинобарин, янги цитрус мевалари ва ундан тайёрланган бетакрор шарбатлар кўпгина хорижий мамлакатлар аҳолисининг кундалик озиқ-овқат маҳсулотларидан бирига айланиб улгурган. Цитрус меваларнинг бу қадар кенг ва қадрли ҳолатда тарқалиши уларнинг беқиёс таъми, витаминга бойлиги, хушбўй ҳиди, қайта ишлаш, сақлаш ва ташишга яроқлилиги, етиштириш ва кўпайтиришнинг у қадар мураккаб эмаслиги ва шу каби қатор афзалликлари билан бошқа мевали ўсимликлардан ажралиб туради. Ўзбекистонга цитрус ўсимликлари XX асрнинг иккинчи ярмида хорижий мамлакатлардан олиб келиниб, совуққа чидамсиз бўлганлиги боис уларни иссиқхона ҳамда ҳандакларда ўстирилиб парвариш қилина бошланган.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда цитрус мевалар ва уларнинг иккиламчи маҳсулотларига (шарбат, мармелад, цукат, эфир мойлари ва ҳ.к.) бўлган талаб анча ортиб бормоқда. Бунга боғлиқ равишда лимон экинини республикаимиз шароитида етиштиришга ёндашув ҳам тубдан ўзгарди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3586-сонли ва 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4610-сонли қарорлари бунга яққол мисол қилиб олишимиз мумкин.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқларида вегетация даврининг узун ва самарадорлик ҳароратнинг юқори бўлиши лимон

ўсимлигини экиб ўстириш ва ундан сифатли ва юқори ҳосил етиштириш имконини беради. Юртимизда йил давомида цитрус ўсимликларни етиштиришда усти ёпиқ иншоотлардан фойдаланилиб келинади.

Лимон – хитой тилидан таржима қилинганда “limung” яъни, “оналар учун фойдали” деган маънони англатади. Ушбу мева таркибида ишқор моддаси 8 фоиз, шакар ва минерал моддалар 3 фоизгача, калий тузи ва А, В, С витаминлари (90-100 мг) мавжуд. Меванинг пўсти ва баргидан эфир мойи ажратиб олинади. Лимон ревматизм (бод), грипп, ЎРВИ (ўткир респиратор вирусли инфексиялар), ангина (бодомча безларининг яллиғланиши), бронхит, уйқусизлик, сариқ касали (гепатит) ва яна кўпгина касалликларда истеъмол қилинади.

Юртимизда ҳозирги кунда лимонни бир қанча навлари етиштириб келинмоқда. Лимоннинг айрим навлари хона шароитида етиштирилса, кўпчилиги эса иссиқхоналарда ўстириб парвариш қилиб келинади. Ўзбекистон иқлим шароитлари учун лимоннинг қуйидаги навларини тавсия этиш мумкин.

Мейер лимони. Бу нав лимон ва апельсиннинг табиий дурагайи ҳисобланади. Бу паст бўйли кичик тиканли ёки тикансиз дарахт. Барглари чўзиқ шаклда, барг бандларида унча катта бўлмаган қанотчалари мавжуд. Ҳосилга иккинчи-учинчи йил киришади. Мевалари турли шаклда: чўзиқроқ, юмалоқ ёки ноксимон, ўрта ва йирик, вазни 80-100 г. Пўстлоғи юпқа, силлиқ, тўқ сариқ рангли, ўзига хос хушбўй ҳидли. Мағзи нозик, нордон шарбатга бой. Уруғи кам 6-10 дона. Меваларни сақланиш муддати узоқ эмас. Мевани ҳар йили ва мўл тугади. Мевалари октябрда етилади.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари маълумотларига кўра Мейер нави экилгандан сўнг 5-йили тўлиқ ҳосилга кириш ҳолати кузатилади бунда экиш схемаси 3х3 м, яъни гектарига 1090 донадан ортиқ лимон кўчати экилганда бунда 1 гектар майдондан қарийб 300 центнер ҳосил бериш мумкин. Лимоннинг Мейер нави ўзаро айвон билан бириктирилувчи чуқурлиги 1,8 м, эни 3,3 м ва узунлиги 45 м бўлган хандақларда бир қаторли (туплар оралиғи 3 м) усулда умум қабул қилинган агротехника асосида етиштирилганда гектаридан 25-30 т гача ҳосил бериши, шу билан бирга айрим йиллари бир туп дарахтдан 600-800 донагача биринчи навли мевалар йиғиб олиш мумкин.

“Ўзбекча ҳосилдор” (Мейер лимонининг вегетатив кўпайтириш йўли билан ҳосил қилинган насли). Ўсимликнинг морфологик жиҳати Мейер навидан деярли фарқ қилмайди. Паст бўйли кичик тиканли дарахт. Барглари чўзиқ шаклда, барг бандларида кичик қанотчалари мавжуд. Мева тугишга иккинчи-учинчи йили киришади. Мевалари турли шаклда: чўзиқ, юмалоқ ёки ноксимон, ўртача катталиқда оғирлиги 80-100 г. Пўстлоғи нозик, силлиқ, тўқ сариқ рангли, ўзига хос хушбўй ҳидли. Мағзи нозик, нордон шарбатга мўл. Уруғи кам 6-10 дона. Меваларининг сақланиш муддати узоқ эмас. Мевани ҳар йили мўл тугади. Мевалари октябр ойида етилади.

“Мессенский лимони” нави селекцион бўлмаган навдир. Дарахт жуда баланд,

шакли пирамидасимон, шохлари катта тиканли. Барглари ўртача катталиқда, чўзинчоқ, барг чизиқларида кичик “қанотлар”и мавжуд. Дарахтдан ҳосил учинчи йилда йиға бошланади. Мевалар декабр-январ ойларида пайдо бўлади. Дарахт ҳар йили катта ҳосил беради. Бу навнинг лимонлари ўрта ва йирик бўлиб, 100-120 г вазнга эга, шакли бир оз бўртиб чиққан чўзинчоқ. Қобиғи қалин, оч сариқ рангга эга. Эти нордон, ёқимли таъмга эга, жуда ифори. Уруғлар сони битта лимонда 6-8 тадан ошмайди.

“Павловский” нави – нав селекционерларнинг тадқиқотлари натижаси. Дарахтнинг баландлиги 1,5-1,8 м, тиканлари кўп. Йилига икки марта март-апрел ва октябр ойларида гуллайди. Янги куртакларнинг пайдо бўлиши одатда илгари ҳосил бўлганларнинг тушишига олиб келади. Лимон қаламчалари илдиз отганидан кейин 2-3 йилда (баъзан 4 йил) мева бера бошлайди. Мевалар 8 ойдан кейин ноябр-май ойларида пишади.

Унинг силлиқ ва ялтироқ мевалари сифати бўйича республика жанубида етиштириладиган навлардан асло қолишмайди. 100 г мевада 25-57 мг С витамини бор. Мевасининг вазни 150-180 г. Меваси нисбатан катта бўлгани учун ҳосили паст: тувакка экилган бўлса, лимон тупидан 10-15 дона ҳосил беради. Бу навга қуруқ ҳаво, қоронғулик ва ёрқин қуёш нури салбий таъсир кўрсатади. Ўсимликнинг узун шохларини кесиб, уларга шакл бериш керак. Турли вегетатив (қаламча) усулда яхши кўпаяди.

“Новогрузинский” нави. Дарахт бўйи 2-2,5 м, жуда баргли ва шохлаган. Юқорига қараб ўсадиган новдаларни кесиш жоиз. Барглари оч яшил рангга, шакли ингичка, узунлиги 12-14 см, эни 5 см. Йил давомида ҳосил беради. Гуллари катта, оқ рангга. Бошқа навлардан фарқли ўлароқ, у йил охирида гуллайди ва кейин мева бера бошлайди. Мевалари тухумсимон, вазни 110-150 г, деярли данаксиз. Бу навнинг мевалари С витаминига бой: 10 г мева таркибида 58 мг дан ортиқроқ бўлиши мумкин.

“Тошкент” нави. Бу нав ва “Юбилейний” нави З.Фахриддинов томонидан етиштирилган. Баландлиги ўртача, барглари тўқ яшил, гуллари кичик. Йилига икки марта (баҳор ва кузда) гуллайди. Нисбатан майда мевалар беради: 80-90 г. Пўсти юпқа, олтин рангга. Ерда ўстирилганда, дарахтнинг баландлиги 1,5 дан 3 м.гача этади. Нурни хуш кўради, юқори намликка муҳтож.

Бизнинг Фарғона вилояти тупроқ иқлим шароитида ҳам цитрус экинлар, аҳоли томорқа хўжаликларида барпо этилган иссиқхоналарда ва қолаверса тадбиркорлар томонидан барпо этилган иссиқхона хўжаликларида лимон ва апельсинни турли навлари кўплаб миқдорда етиштирилиб халқ эҳтиёжини қондиришда ҳамда хорижий мамлакатларга экспорт қилиш мақсадида парвариш этиб келинмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3586-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4610-сонли қарори.
3. Фахриддинов М.З. Лимончиликнинг сир-саноатлари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2016.
4. Ғуломов Б.Х., Исломов С.Я., Нормуратов И.Т. Ситрус экинларини йетиштириш технологияси. Т: – 2011.